

Шарқ юлдузи

Ойлик адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ОРГАНИ

7 '1990

59-йил чиқиши


Бош муҳаррир:
Ўткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Неъмат АМИНОВ
Саид АҲМАД
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ
Омон МУХТОРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ
Умарали НОРМАТОВ
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА
Муҳаммад СОЛИҲ
Ҳайриддин СУЛТОНОВ
Зоя ТУМАНОВА
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
(масъул котиб)
Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ҒУЛОМ

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ

www.ziyouz.com kutubxonasi



Адабий танқид

Умрзоқ Ўлжабоев

УМИДБАХШ ТЎЛҚИНЛАР

Маънавий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида воқеанависликка асосланган асарлар билан китобхон эҳтиёжини қондириш қийин бўлиб қолди. Ҳарбий мавзудаги ўзбек насрида Иттифоқ миқёсидаги ишлардан орқада қолиш очиқ сезилади. Уруш кўрган, ўша давр ҳаётини яхши биладиган бир қатор ёзувчиларимиз эса замон, китобхон, тараққиёт талабларига эътибор бермай, ҳамон эскича тарзда, маълум қолиплар бўйича ёзишни давом эттирмоқдалар. Кузатишимизча, ҳарбий наср ривожидаги бундай ҳолатни, давр қўяётган талабларни ёш авлодга мансуб ёзувчилар ўз ижодий изланишларида яхшироқ илғаб олаётганга ўхшайди. Хўш, замон талабини ўзида ифодалаган, ҳозирги етакчи жараёнлар руҳида яратилган бу асарларда ажралиб турадиган хусусиятлар нималардан иборат? Аввало, уларда олдингидек, урушни тантанавор тарзда, ғалаба марши садолари жўрлигида эмас, балки бор даҳшати, фожиаси, инсониятга келтирган чексиз мусибат ва кулфатлари билан кўрсатишга интилиш бор. Ҳозир одам бошига тоғдек ўқ-дори, бомба тўғри келадиган, бир давлат раҳбарининг арзимас хатоси ёки масъулиятсизлиги билан бутун дунё остин-устун бўлиб кетиши мумкин бўлган шароит талабини, руҳини илғаш бор уларда. Шунинг учун салкам ярим аср олдин кечган ҳаётга бағишланган бу асарларда тасвирланган воқеалар, кишилар тақдири бизни ларзага солади, ҳозирги жаҳон миқёсида бўлаётган ишларга сергакроқ қарашга, фаолроқ бўлишга даъват этади. Шу жиҳатлари билан уларда умумиттифоқ адабиётида ҳарбий мавзуда яратилаётган асарларга хос фазилатлар билан ҳамоҳанглик кўзга ташланиб туради.

Яна бир ҳодисани таъкидлаш лозим. Улуғ Ватан уруши даври ҳақида олдин яратилган қатор асарларда ҳаёт хийла юзаки, кўп ҳолларда умумий тарзда, узоқроқ масофадан туриб кўрсатилар эди. Эндиликда эса бошқача йўлдан боришмоқда, уруш воқеалари аниқ деталлар воситасида гавдалантирилмоқда. Жанг манзараларига хос маълум нуқталарни ажратиб олиб, шунга асосий эътибор қаратилмоқда. Умумиттифоқ адабиётидаги асосий йўналишларга ҳамоҳанглик ўзбек ҳарбий насрида кўп йиллар давомида мавжуд бўлган баёнчиликдан, воқеанависликдан, ахборотнома гаплардан чинакам бадиийлик томон, умумийликдан яхлитлик сари бурилиш содир бўлаётганидан далолат беради.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб кейинги — 80-йиллардаги насрий асарларга кўз ташлаб, айрим асарлар таҳлили орқали кузатишларимизни умумлаштиришга имкон қадар ҳаракат қилайлик.

Адабиётимизнинг кейинги авлоди вакилларидан бўлган Нурали Қобул ўз қиссаларида уруш давридаги ҳаётни акс эттиришга қизиқади. У бу давр воқеаларига муайян эстетик талаблардан келиб чиққан ҳолда мурожаат қиляпти. Муаллифда урушни болалар тақдири орқали кўрсатишга, ўша даврга хос қийинчиликларни ҳали норасида гўдаклар нигоҳидан ўтказган ҳолда беришга мойиллик бор. У ҳаётнинг мураккаб қатламларига тобора чуқурроқ киришга, одамлараро муносабатлардаги чигалликларни янада кенгроқ таҳлил қилишга астойдил интиляпти. Чунончи, бундай изланишларини «Буғдой пишиғига етмаганлар» қиссаси мисолида кўриш мумкин. Бу асарда у жанг майдонларидан жуда узоқдаги оғир, бошқачароқ айтганда, «пардозланмаган» уруш оқибатларини кўрсатишга интилган. Қиссада уруш одамларга чексиз мусибат, қурбонлар билан бирга яна бошқа чидаш қийин бўлган ташвишлар, азоб-уқубатлар келтиргани ҳақида гап боради, очарчилик балоси шафқатсиз лавҳаларда чизилади. Асар номида ҳам бунга яққол ишора бор.

«Олис-олисларда, қайлардадир уруш бўляпти. Одамлар бир-бирларини ўлдиришяпти. Ҳатто милтиқ учидаги найза билан ҳам бир-бирларини ўлдиришаркан. Қандай ёмон. Отадиган милтиққа нега найза қўйишган экан-а? Кўпроқ ўлдириш учунми? Нега одамлар бир-бирларини ўлдиришади? Немис деганнинг қорни тўқ, усти бут бўлса нега бошқаларни ўз ҳолига қўймайди?» Қисса бошланишидаги бу гаплар бутун асар учун калит бўла олади.

Қиссада очарчилик балоси одамлар турмушида қандай из қолдиргани, аниқроғи, ҳаётни қай тарзда издан чиқарганига асосий эътибор жалб этилади. Кечаю кундуз даладан келмайдиган Ҳақберди полвон кети йўқ «бер-бер»лардан тутақиб:

«— Биз очдан ўлсак, келгуси йил фронтга ким ғалла етказиб беради?— деди у райондан келган вакилнинг юзига тик қараб.— Фақат бер дейишни биласизлар. Инсоф ҳам керак-ку?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сиз бизга — ҳукумат вакилига қарши гапиряпсиз. Бу сўзларингиз учун жавоб берасиз!
— Мен ҳукумат вакилига эмас, сизга ўхшаган — салла деса, каллани оладиганларга қарши гапиряпман!— деди баттар қизишиб Ҳақберди».

Бу «қизишиш» Ҳақберди полвон ва унинг оиласи учун қимматга тушади. Икки кундан кейин милиционер келиб уни олиб кетади, гўё бу ерда у ўйнаб юргандай, меҳнат батальонига жўнатиб юборади. Ваҳоланки, унинг икки ўғли фронтга кетган, биттасидан «қора хат» келган, бу шум хабар хотинини ўрнидан туролмайдиган касал қилиб қўйган. Беш боласи оч-яланғоч ҳолда. Ҳақберди полвон бояги гапларни жонидан ўтиб кетганидан, азбаройи чидаб бўлмайдиган даражага келиб қолганидан айтган эди. Лекин уни ким тушунади? Нима учун шундай деяётганини ким ўйлаб кўради? Унинг тақдирини район вакили айтган «Бу сўзингиз учун жавоб берасиз!» деган биргина гап ҳал қилади-қўяди. Энди «Одамлар Ҳақбердининг отини айтишга чўчиб» қолишади, ҳатто «у ҳақда гаплашганни ҳам ҳибсга олармиш» деган миш-мишлар тарқалади. Оқибатда «Суҳбатга унинг номи аралашса, одамлар аста-секин тарқала бошлайдиган ёки гапни бошқа мавзуга бурадиган» бўлишади. Ёзувчи бу воқеага қаҳрамон тилидан шундай баҳо беради: «Тавба,— дея жиғибийрон бўларди Санам.— Одамлар мунча бебурд бўлишмаса, мунча ўз соясидан ҳам қўрқишмаса. Ҳатто, Ҳақберди бечоранинг очидан ўлаётган болаларининг оғзига сув томизгани чўчишади-я... Тавба, бу дунёда одамнинг одамдан катта ёви йўқ экан-да? Ишқилиб, охиридан суюнтирсин!»

Одамлардаги шундай муносабат туфайли Ҳақберди оиласи барбод бўлади, хотини ўлади, беш боласи етимхонага топширилади. Бундай оғир шароитда бир амаллаб тирик қолиш, бола-чақасининг жонини сақлаш мақсадида бир пуд буғдойини яшириб қўйган уста Ҳаким банди қилиб, номаълум томонларга олиб кетилади. Бу воқеага ҳам яна ёзувчи қаҳрамонлар тилидан муносабат билдиради: «Одамларимизнинг ўзи беоқибат,— деди Хўжамурод оқсоқол қўлини силтаб,— Бор бўлса кўролмайди, йўқ бўлса беролмайди. Дўмнинг қўлида бир қулоч келадиган темир қозиқ. Дуч келган уйнинг деворига тиқиб кўради. Ёнида ўзига ўхшаш иккита гўрсўхта, «ғалла, ё сариёғ берасан» дейди. Одамлар тишининг кирини сўриб ўтиришибди-ю, ғалла билан сариёғ қайда?»

Ёзувчи тасвирни анча изчиллик билан давом эттириб, китобхонни уруш даврига хос бундан ҳам даҳшатлироқ воқеалар билан таништира боради. Уруш келтириб чиқарган қаҳатчилик, баъзи ғаламис кимсаларнинг ўз фойдаси, манфаати учун ҳеч нарсадан тап тортмаслиги одамларни қарахт, аламзада, бир-бирига бемеҳр қилиб қўяди. Улар шу даражага борганларни, ноиложликдан колхоз омборидан буғдой ўғирлашга мажбур бўлган Абдураҳмонни раис бошлиқ бир гуруҳ одамлар уриб ўлдиришганда ҳам томошабин бўлиб тураверадилар.

Ёзувчи бу воқеага нисбатан бўлган муносабатини ҳам муайян қаҳрамонлар нигоҳи орқали беришга интилади. Эрали тегирмончи алам билан шундай хитоб қилади: «Инсофини ит еганлар!— деди у чопонининг этагини қоқиб,— Тўрт болани кўз олдимизда етим қилишди-я! Фронтда ўлаётганларнинг етимлари етмасмиди сен ноинсофларга! Кўзимиз ўлган қўйнинг кўзидек бўлиб қараб турдик-а! Ҳайф-э!..»

«Буғдой пишиғига етмаганлар» қиссасида Н. Қобул уруш даври ҳаётидан фақат шундай оғир воқеаларни, бировнинг тақдири билан қизиқмайдиган, бошқаларга ҳамдардлик туйғуси бўлмаган лоқайд одамларни кўп танлаб олган, деган хулосага келмаслик лозим. Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, Ҳақберди полвон номини тилга олишга чўчийдиган, Абдураҳмон айиқнинг ўғирлик қилишини оқламаган одамларни ёмонга чиқариш ҳам тўғри эмас. Уларни асарда номи ҳам тилга олинмайдиган район вакили, колхоз раиси Худойберди Холматов ёки Аҳмад омборчига ўхшаш бир гуруҳ текин томоқ кимсалардан фарқламоқ керак. Бу одамлар уруш шароитининг оғир юкидан чақилган, сурункасига уч йилдан бери давом этаётган тинимсиз меҳнатдан, очликдан, жигаргўшаларининг айрилиқ ва мусибатларидан адойи тамом бўлаёзган, бунинг натижасида ўзлигини йўқотаёзган кимсалардир. Ана шу ҳолат уларни карахт, лоқайд қилиб қўйган. Шароитнинг шафқатсизлиги улардаги туйғуларни маълум даражада ўтмаслашиб қолишига сабаб бўлган.

Асарда акс этган барча воқеалар — яхшилик ва ёмонликлар Анвар назари орқали тасвирланади. Албатта, ўн яшар боланинг ҳамма нарсага ақли етавермаслиги аниқ. Шу сабабли ёзувчи имкон қадар тасвирни бола идрокига мослашга, шу доирадан иложи борича чиқиб кетмасликка ҳаракат қилади. Тўғри, ҳамма ўринларда ҳам муаллиф бунинг уддасидан чиққан, деб бўлмайди. Баъзи манзараларда тасвирланаётган ҳодисага ёш гўдак нигоҳи билан қараш унутилаётгандек, хиралашгандек таассурот туғилади. Масалан, Абдураҳмоннинг калтаклаб ўлдирилиши воқеаси кимнинг нигоҳи (Анварми, Эралими ёки ёзувчиникими) орқали берилаётгани мавҳум бўлиб қолган. Яна бир мисол. Қиссада шундай бир парча бор: «Ўсмат қишлоғидаги бир-бирига ўхшаш лойсувоқ, пешайвонсиз уйларнинг кунчиқиш тарафидагиси уларники. Даҳлиз ва чоғроқ хонадан иборат уйнинг эшик ва деразаси тоққа қараган. Бу уйни отаси онасига уйланган йили тоғдан арча кесиб келиб, гувала қуйиб, ўз қўли билан қурган. Фақат ёғочларини уста Абдужалил бобо чопиб берган. Нон ушатилгандан сўнг, онаси кечалари яшириб келиб кўмаклашаркан. Уй битгач, буларнинг тўйлари бўлган экан. Эр-хотин чой ичишиб ўтиришганда «тунда қурилган уй» деб энтикишиб, ўша кунларни эслашарди». Мана шу тасвир кимнинг нигоҳи ёки эслаши орқали берилаётган номаълум. Агар у Санамнинг хотирасидан ўтаётган гаплар десак (чунки шу парчадан олдин унга тааллуқли Агар у Санамнинг хотирасидан ўтаётган гаплар десак (чунки шу парчадан олдин унга тааллуқли «у ўзича гапириб уй томон кетди» деган жумла бор), парчадаги «Бу уйни отаси онасига уйланган йили тоғдан арча кесиб келиб... қурган» деган жумла бунга имкон бермайди. Умуман, мана шунга ўхшаш аниқ нигоҳ, нуқтаи назар мавжуд бўлмаган ўринлар асарда учраб туради.

Асосий гапимизга қайтайлик. Қиссадаги воқеалар марказида ўн яшар бола Анвар тақдири, урушдек аёвсиз, на каттани, на кичикни биладиган бир шароитда унинг ўйлари, хатти-ҳаракати тасвири туради. Шароит бу мурғак гўдакни вақтидан эрта улғайтиради, турмуш ташвишлари ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Ёзувчи бу ҳақда қуйидагича изоҳ беради: «Опаси унга, ўнга кирдинг, сонга кирдинг, энди яхши бола бўл, деганда у чиндан ҳам ўзини улғайиб қолгандек ҳис қилди. Сўзлари, ҳаракатлари, қарашлари катталарникидек вазмин тортди ва ўзини отаси сингари ниманарнидир уддалашга, қандай бўлмасин уйга бирор егулик топиб келишга чоғлади». Қиссада Анвардаги улғайиш куртаклари кўпроқ шу йўналишда — «уйга бирор егулик» топишга интилиши мисолида кўрсатилади. Бунда, сўзсиз ички мантиқ бор. Ёш қаҳрамон характерига шундай ёнда-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шиш, аввало, асарнинг бош ғояси билан боғлиқ бўлса, сўнгра бевосита шароитнинг ўзидан ҳам келиб чиқади.

Эътибор берайлик. Уларнинг уйларида «бор-йўғи икки килоча арпа, тўртта дона пиёз ва эски сандиқнинг тагида оз-моз туршак қолган». Ҳали қирчиллама қишнинг атиги бир ойигина ўтган, холос. Шу егулик билан олти жон «буғдой пишиғичага» етишлари керак. Лекин бу қолган нарсалар билан «...ҳафта, нари борса, ўн кун тирикчилик қилиш мумкин. У ёғи нима бўлишига ҳеч кимнинг ақли етмайди. Анвар опасининг ғамгин нигоҳидаги ана шу ташвиш ва таҳликани уқарди. Уйда нон ёпилмас, анча вақтдан бери хонадон тандирга юқ бўладиган унни кўрмаганди».

Бор-йўғи энди ўн ёшга кирган Анвар ана шундай тақдир синовига дуч келади, шу ёшда ўзидан бошқалар ҳақида ўйлаш, уларнинг тақдири учун қайғуриш, ғамхўрлик қилишдек ҳаётий масъулият зиммасига тушади. Опасининг оиладаги асосий маслаҳатлашадиган кишисига айланади. Бир гал опаси унга, бозорга хашак олиб бориб сотиб, пулига арпа уни олсак қандай бўларкин, деб маслаҳат солганида, «Яхши бўларди,— дея жавоб қилди Анвар вужудини қоплаган ғалати бир ҳисдан ҳаяжонланиб.— Мен уч боғ хашакни кўтара оламан». Онаси уни алқаб, «Уч боғ ўт кўтарадиган азаматимдан айланай! Илоҳим, тезроқ катта бўлиб, отажонингни ёнида тур!» дейди. У ўзига онасининг катта одамдек қараётганидан, шундай оғир дамда уйга ёрдами тегиши мумкинлигидан мамнун бўлади.

Айни вақтда бу ёш гўдак сиймосидаги бошқа бир жиҳат ҳам ёзувчи эътиборидан четда қолмаган. Анвар фронтда қон кечиб юрган отаси ҳақида кўп ўйлайди. У тушларига кириб чиқади. Тушларида отаси ғалати кийимларда, нохуш ҳолатларда кўринади, ундан болада хавотирли таассуротлар қолади. Нима бўлса ҳам отам эсон-омон келсин-да, деб доим ўйлаб юради. Булар ёзувчи мазкур ёш қаҳрамон қиёфасини мураккаб бир шароит, кескин ҳолатлар тасвири орқали очишни мақсад қилиб қўйганидан дарак беради.

«Буғдой пишиғига етмаганлар» қиссасида анчагина камчиликлар учрайди. Биринчи эътироз қиссанинг тили ҳақида. Очиғи, Н. Қобул асарларида китобийлик иллати мавжуд. Ҳатто қаҳрамонларнинг ўй-кечинмалари ҳам жуда силлиқ, грамматик жиҳатдан тугал, қандайдир жимжимадор-роқ чиққан. Бу нуқсон ёзувчининг олдинги асарларида ҳам бор эди. Қаҳрамонлар қандайдир қуруқ, китобий тилда гаплашадилар. Асар матнида учрайдиган айрим сўзларни ҳисобга олмаганда, ундаги воқеаларни ҳам, одамларни ҳам муайян бир жойга мансублигини, такрорланмас ўзига хос белгиларини англаш, ажратиш қийин. Шу маънода ёзувчи халқ жонли тили хазинасидан керакли даражада фойдаланяпти, асарларида Сангзор воҳасига хос сўзлашув, ҳаёт тарзи билан боғлиқ фазилатни яхши ифодалашга муваффақ бўляпти, дейиш қийин.

Иккинчи эътироз шундан иборатки, қисса тасвирида нотекисликлар, узилишлар, тумтароқликлар бор. Асарни ўқиётган пайтда баъзан одам қандайдир ғадир-будир йўлга тушиб қолгандек сезади ўзини. Мисолларга эътибор берайлик. Қиссанинг бошланиш қисмида: «Эрали амаки айтганидек, немисларни ўлдирмасанг сени ўлдиришади. Ҳарбу зарбнинг таомили шундай эмиш» деган жумлалар бор. Шундан сўнг қўштирноқ ичида: «Биз-ку, очмизми-тўқмизми уйдамиз. Ҳаммадан жангчиларга қийин. У томонларда қиш жуда қаттиқ бўлармиш. Қимирламасанг, тарашадек қотиб қолавераркансан. Шундай қаҳратонда жанг қилиш...» Аввало, бу гаплар кимга қарашли эканини ажратиб олиш осон эмас. Бунинг устига уни тўғридан-тўғри бобонинг ўзи айтса — бошқа гап. Лекин Анвардек ёш бола катта одамлар томонидан айтилган бундай гапларни шу тарзда эслаб қолиши ва ҳаёлидан ўтказишига ишониш қийин. Бунинг устига ифодада ғализлик, тузатишга муҳтож ўринлар борлиги очиқ сезилади. Яна бир мисолга эътибор берайлик: «Якшанба куни эди. Кечга яқин чойхонага икки киши кириб қолди. Уларнинг бири рус, иккинчиси татар эди.

— Салом ака,— деди рус киши ўзбекчалаб.

— Ваалайкум ассалом. Э-э, келинглар, келинглар, меҳмонлар! — деди Эрали амаки, илк бор рус кишиси билан юзма-юз, бунинг устига ўзбекча гаплашганидан довдираб.

— Меҳмон, Борис Башкин,— дея гапида давом этди у Эрали амакининг ағрайиб турганидан завқланиб.— Бу киши — Маҳмуд Даминов, Қозондан». Бу парчани ўқиётганимизда дастлаб Борис Башкинни яна кимдир Эрали амакига таништираяпти, шекилли деб ўйлаб қоламиз. Лекин бошқа одам йўқ. Ўйлаб-ўйлаб, Борис Башкиннинг ўзи бу гапларни айтаётганини зўрға англаймиз. Лекин барибир меҳмон ўзини «меҳмон Борис Башкин» деб таништириши ғалати туюлганича қолаверади. Чунки одатда бошқа бир ўртада турган одамгина келган кишиларни шундай таништириши мумкин.

Муаллифнинг тасвирий-ифодавий талқинида ҳам ғализликлар кўзга ташланади. Одатда ҳар бир асарда ҳаёт муайян бир нуқтадан, аниқ бир қаҳрамон нигоҳи орқали кўрсатилади. Ёзувчининг ғояси ҳам, идеали ҳам шу ерда мужассамлашган бўлади. Масалан, «Асрор бобо»да Абдулла Қаҳҳор буни Ҳайдар ота образи орқали амалга оширади. Бу ҳам ёзувчи маҳоратини кўрсатадиган ўзига хос бир мезон. «Буғдой пишиғига етмаганлар»да тасвир, асосан, Анвар нигоҳи орқали олиб борилса-да, охирроққа бориб, у нимагадир четлашиб, Эрали амаки бу ўринни эгаллайди. Ёзувчининг ўзи ҳам тез-тез аралашиб туради. Ҳатто бир-икки ўринларда бу вазифани Анварнинг опаси Каромат ҳам бажаргандек бўлади. Тасвирий-ифодавий воситаларнинг бу даражада алмашиб туриши, назаримизда, маълум даражада баёнчилик келиб чиқишига сабаб бўлган.

Асарнинг эпилоги Эрали амаки ва унинг кампири Энақиз хола ҳақидаги тасвирдан иборат. Қисса сюжетидаги мана шундай ўзгаришларнинг мантиқий асосини топиш қийин. Бунинг устига сўнгги қисмда ана шу Эрали амаки тақдири ҳам жуда тўмтоқ ҳолда берилган. Анвар эса деярли унутилган. Бу, қисса қурилмасида маълум парокандаликлар борлиги, ҳали уни мукаммаллаштириш зарурлигидан далолат беради.

Қиссада тегирмончи Иброҳим чолга тааллуқли қистирма эпизод мавжуд. Гарчи у қисқа тарзда берилса-да, ўзига хос бир драматик тақдир эканини илғаш қийин эмас. Одатда бундай парчалар асардаги асосий воқеалар чизиғи билан бирон нуқтада боғланиб кетиши, бирор жиҳатни очишга хизмат қилиши лозим эди. Лекин бу ўринда у ўзича, асосий қаҳрамонлар тақдири билан боғланмай қолган.

Ниҳоят, яна бир мулоҳаза. «Буғдой пишиғига етмаганлар»да уруш даҳшатлари ҳақидаги гаплар, деталлар яхши топилган. Лекин уларнинг ҳаммаси бирикиб, қаҳрамонлар талқинидаги фожеий оҳангни кучайтиришга баравар хизмат қилавермайди. Аниқроғи, бундай тасвирлар чуқур

www.ziyouz.com kutubxonasi

ички, руҳий ҳолатлар таҳлили билан қўшилиб кетмайди. Уруш даври ҳаётига доир тафсилотлар бору, лекин улар ҳамма ўринларда ҳам китобхонни ларзага соладиган ҳақиқий инсоний драма даражасига ўсиб чиқмагандек таассурот қолади. Бунинг маълум сабаблари бор. Фикримизча, ёзувчи ижодий ниятининг ижросида парокандалик мавжуд. Ўқувчи диққатини маълум нуқталарга тўплашда эътиборсизлик бордек кўринади. Буни мўъжазгина қиссада иштирок этувчилар сони кўплиги ҳам кўрсатиб туради. Унда 35 тача қаҳрамон тилга олинади. Уларнинг аксарияти асар воқеалари ривожида сезиларли вазифани бажармасдан, бир кўринганича, саҳнадан тушиб кетаверишади. Бу бадиият талабларига мос келадиган ҳодиса эмас.

Шу жиҳатдан Назар Эшонқуловнинг китобхонлар билан биринчи юз кўришуви бўлган «Уруш одамлари» номли қиссаси ҳам қизиқиш уйғотади. Хўш, мазкур қисса нимаси билан эътиборни тортади? Аввало, шуни айтиш керакки, муаллиф бундан қарийб ярим аср олдин кечган ҳаётга нисбатан муносабат, кузатиш нуқтасини тўғри топа билган. Буни таъкидлаётганимизнинг боиси бор. Уруш даври ҳаётига бағишланган қатор асарларда тасвир шу даражада чалкашиб кетяптики, ўша оғир йилларга даҳлдор воқеалар билан ҳозиргиларини бир-биридан ажратиш анча мушкул бўлиб қоляпти. Бундай камчилик анча тажрибали ёзувчиларнинг асарларида ҳам учраб туради. Шу маънода «Уруш одамлари» қиссасида уруш даври ҳаётига нисбатан муаллиф нуқтаи назарининг, мақсадининг аниқлиги, шунингдек, тасвирдаги изчиллик кишини қувонтиради.

«Уруш одамлари» қиссасининг журнал вариантида бир она баъзи бўлаётган ишларга тушунмаётган ёш ўғлига қарата шундай дейди: «Одамлар аламзада-да, болам. Уруш бағритош қип қўйди ҳаммани. Уруш ўлсин, болам, бошимиздан ғам аримай қолди. Одамлар бошига кулфат тушса, бировдан кўрадиган бўлиб қолди. Барчасига уруш сабаб, болам, уруш сабаб». Ёзувчи урушнинг ана шу жиҳатини жанггоҳдан жуда олисда бўлган ўзбек қишлоқларидан бирида яшаётган одамлардаги аламзадаликлар, бағритошликлар, ғам-ташвишларни бадиий ифодалашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу жиҳатдан унда «Буғдой пишиғига етмаганлар» билан ҳамоҳанглик бор.

Бадиий асарда тасвирланаётган ҳар бир даврнинг ўз такрорланмас руҳи, оҳанглари бўлишини яхши биламиз. Улуғ Ватан уруши давридаги ҳаёт эса шафқатсизлиги, фожеавийлиги билан алоҳида ажралиб туради. Муҳими, «Уруш одамлари»нинг бошланишидаёқ муаллиф воқеаларга, кишилар тақдирига мос руҳни топган. Ҳикоя оҳангида совуққонлик, ортиқча ҳиссиётга берилмаслик, данғаллик ва лўндалик, ёзувчининг ўз таъбири билан айтганда, чўрткесарлик сезилиб туради.

Қисса марказида эр-хотин Нормат ва Анзиратнинг фожиали тақдири туради. Нормат, гарчи бир оёғидан ажралса-да, ҳар ҳолда уйига тирик қайтади. (Уруш пайтида бу ҳам катта бахт эди-ку!). Лекин, афсуски, унга шу ҳаёт ҳам татимайди — урушдан тирик қайтган Нормат ўз қишлоғида, ўз уйида шундай оғир фожиали қисматга дуч келадики, ундан на қочиб қутилишнинг, на чап беришнинг иложи йўқ эди...

Ҳаммаси Нормат қайтиб келгандан сўнг орадан икки ойча вақт ўтгач бошланади. Йўқ, аслида хиёнат анча илгари содир бўлган, лекин шу пайтгача сир эди. Бу иш хотинларнинг «оғзи бўш»лиги сабабли бирдан юзага чиқади. Тўрт йил жанг майдонларида юриб, неча марталаб ўлим билан юзма-юз келиб, тинчликни, осойишта ҳаётни қадрлашга ўрганган, «Энди бу тинчлигимни ҳеч нарсага алмашмайман, хотинимни ҳеч ҳам ўкситмайман, одамларнинг кўнглини оламан, мана шу тоғлар ҳурмати... энди хотинимни ҳам, мени интизорлик билан кутиб олган одамларни ҳам бошимда кўтариб юраман. Бир умр уларнинг иззатини қиламан. Менинг учун энди уруш, қон, ўлим, деган нарсалар тугади»,— деб аҳд қилган Нормат полвон бу машъум гапни эшитиб, Анзиратни — бир пайтлар севиб уйланган, шунча вақтлардан бери юрагида ардоқлаб юрган Анзиратни ниҳоятда қаттиқ калтаклайди, ҳатто ўлдиришига сал қолади. Эҳтимол, одамлар орага тушмаганда ўлдириб қўйиши ҳам ҳеч гап эмасди. Нормат тушган ҳолат — бир томондан номус, уят оловида куйиш, иккинчи томондан, жанггоҳда орттириб келган дард — контузиянинг хуруж қилиб қолиши ношонарли тасвирланган учун қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатларидан шубҳаланмаймиз. Чунки ўша ҳолатда Нормат полвон ҳеч нарсадан қайтмас, ҳар қандай ишни қилишга қодир эди.

Қиссада мана шу «портлаш» нуқтасига қадар бўлган қаҳрамондаги ички-руҳий ғалаёнларни кўрсатишга жиддий эътибор берилган. Нормат полвон Анзиратдаги қандайдир ўзгаришларга эътибор беради, унинг олдингидай очилиб-сочилиб ўтирмаслиги, хомушлигини сезади. Бир марта бу ҳақда Анзиратдан сўраганда, хотин ундан «қора хат» олганини, бу ердагилар уни ўлдига чиқарганини айтиб, кўз ёши билан гапни чалғитади. Хотинидаги бу кайфият яна давом этавергач, Нормат полвон иккинчи марта «Менинг ўлганим чин бўлганда қовоқ-тумшуғинг очилиб юрармиди?» деб кескинроқ гапиради. Анзират яна кўз ёши тўкади, Нормат эса ўзининг қаттиқ гапириб қўйганидан шошиб қолади. Бу гал хотини бироз йиғлайди, сўнгра эркаланиб, каклик гўшти егиси келаётганини айтади.

Шу ўринда воқеалар ривожида муҳим ўрин тутадиган ушбу кўриниш қиссанинг журнал ва китоб нусхаларида қандай берилганига назар солайлик. Журналда Нормат полвоннинг шу дақиқадаги ҳолати шундай тасвирланади: «Бу гап оҳангида (Яъни Анзиратнинг гапириш оҳангида — У. Ў.) Нормат полвон билган ва суйган Анзиратнинг нозу истиғноси бор эди, шу боис у хурсанд бўлди», дея унга изоҳ берилади. Ёзувчи бу парчада қаҳрамонда содир бўлаётган ички руҳий жараёнга ўқувчи диққатини қаратар экан, жумбоқнинг бир томонини очиқ қолдиради. «Тағин кўнглидан бир шубҳа кечди-ю, юраги орқага тортиб кетди. Янаям шайтонга ҳай берди», деб Анзиратнинг гапидан сўнг Нормат полвонда ҳосил бўлган шубҳага ўхшаш нарсага ҳам ишора қилиб кетади.

Китоб шаклида эса мана шу руҳий ҳолат талқинида ранглар бир оз хиралашгандек. Қаҳрамондаги бу муҳим ички руҳий ҳолат ҳақида асарда «Бу гапни (яъни Анзиратнинг каклик гўшти егиси келаётгани ҳақидаги гапи — У. Ў.) Нормат билган, урушдан олдинги Анзиратнинг гапига ўхшагани учун у хурсанд бўлиб кетди», деган жумла пайдо бўлади. Афтидан, ёзувчи ифода йўналишини бироз ўзгартиришга, Норматнинг юрагидаги гумонларни орқага суриб, хотинига ва болаларига қаратилган меҳр-муҳаббатини бўрттиришга қарор қилган кўринади. Қаҳрамоннинг каклик овидан қайтаётганда кўнглидан ўтган қуйидаги гаплар шундан далолат беради: «У, шу дафъа хотиним мени қандай кутиб олади, деган ҳадик ўтиб кетганини, хотини дунёдаги энг яхши хотин эканини миннатдорчилик билан туйди. Кўнгил дарчаларини яшнаб-яшнаб келаётган ҳаётга тамом ланг очиб қўйди».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тасвирда маънавий максимализмга амал қилиш зарур, деган тушунча бор. Бунда, қаҳрамондаги маънавий имкониятларни охиригача юзага чиқариш назарда тутилади. Кузатишимизча, бундай ижодий мезонга мос келадиган натижаларга ҳамма ёзувчилар ҳам, гарчи хоҳласалар-да, эришавермайдилар. «Уруш одамлари»да ёзувчи бош қаҳрамонлар талқинида шу мезонга амал қилишга, шу йўлдан юришга астойдил ҳаракат қилган ва талай ўринларда яхши натижаларга ҳам эришган. Қиссада қаҳрамонларга енгиллик берадиган айланма йўллар, вазиятга чап бериш учун турли сабаб ва баҳоналар ахтариб ўтирилмайди. Уларни имкон қадар, қанчалик оғир бўлса-да, ҳақиқат билан юзма-юз келиш, муҳими, шу ҳақиқатни қаҳрамонларнинг ўзларига англатиш йўлидан борилади. Шунинг учун бўлса керак, гоҳ пинҳон, гоҳида эса ошкора фожиа оҳанги асарнинг бошидан охиригача узлуксиз давом этади. Айниқса, бош қаҳрамонлар тақдири билан боғлиқ бундай драматизм тасвирини беришда бошқа воситалар билан биргаликда ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабат тасвирига бағишланган манзаралар ҳам муҳим бадиий вазифани ўтайди.

Уйидан бошини олиб чиқиб кетган Нормат полвон бу ўринда аммаси Бийди момога қизи одамларнинг эшигида тиланчилик қилиб юрганини кўрганлигини эзилиб гапиради. Унинг «Ҳамон уларга (болаларига — У. Ў.) етимга қарагандай қарайди, худди отаси ўлгандай, амма!» дейишларида қанчалик дарду алам, изтироб борлигини сезиш қийин эмас.

Вазият фожиавийлигини қаҳрамонлар қалби, кечинмалари орқали олиб ўтиш, уларнинг ўзига буни англатиш усулини муаллиф Анзират образи талқинида ҳам ишлатади. Она қилган ишнинг маломат юки фарзандлар елкасига ҳам келиб тушади. Масалан, гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда Холмат «бузуқнинг ули» деган гапни эшитади, болалар уни ажратадиган, яккалайдиган бўлиб қолишади. Шу туфайли ўғли мактабга боришни ҳам йиғиштириб қўяди. Демак, булардан мурғак гўдакнинг қалби қанчалик жароҳатланганини тушуниш қийин эмас. Она эса бундай пайтда: «Сизларни шарманда қилмай опанг ўлсин...» дея ўзига ўлим тилайди, фарзанди олдида ўзини оқлайдиган, ҳимоя қиладиган тузукроқ асос ҳам келтиролмайди. Она-бола ўртасида бўлаётган муомаладаги яширин драматик оҳанг китобхонни лоқайд қолдирмайди. Айниқса, бир парча алоҳида ажралиб туради. Кўчага чиқиб кетган Холмат орадан кўп ўтмай ҳаллослаганича қайтиб келади. Кетма-кет Неъмат сирринг хотини кириб: «Ҳали қутуриб қолдингми, сен етимча» деч хивич билан уни савалай кетади. Ўзи бир аҳволда бўлган Анзират Холматни ҳимоя қилиб, нима бўлганини суриштирганда, «Онаси бузуқ» дегани учун қўшнининг ўғлини урганини у тан олади. Неъмат сирринг хотини эса очиқчасига ҳужумга ўтади: «Вой, ўргилдим, сиздай энасининг ҳимоячисидан!.. Нима опангди бузуқлиги ёлғонми? Ана, опангдан сўра ёлғон бўлса, бузуқди бузуқ, кўрди кўр, карди кар дейдида!» деб боланинг олдида андишасизлик қилади. Шу пайтгача Анзират ўзини орқаворотдан айтилган гаплардан ҳикоя қилишга уриниб келаётган эди. Энди эса ўғлининг олдида «бузуқлиги» дангал юзига солинаётир. Она учун бундан даҳшатлироқ нарса бўлмаса керак. У гапни чалғитишга уриниб кўради. Неъмат сирринг хотини эса шаллақиликни баттар авжга чиқаради: «Оҳо, ҳали мен оппоқман ҳам дерсиз, ҳали болани ҳам сен туғдинг дерсиз? Йўқ, нега ҳам ғарлик қилиб, ҳам баланд келасан...— у бирдан сенсирай бошлади.— Болани мен эмас, сен туққансан, бузуқликни сен қилгансан, яна болангди ҳам бузасан, бировларни ур, деб ўргатасан!.. Ўйнаш орттириб, қишлоқни шарманда қилганинг етмагандай, болангни ҳам босмачиликка ўргатасан, сенга ким қўйибди гапиришди... Олдин этагингдаги доғни ювиб ол. Кейин гапирасан, тилларингди тийиб тур, катта бўлса булардиям ўйнашликка ўргатасан!»

Шундай вазият туғилдики, ўзини ҳимоя қиладиган бирор гап-сўз айтишнинг энди иложи йўқ. Бу хотиннинг андишасиз, беҳаё гаплари ҳали калтаклар зарбидан ўзига келолмаган Анзиратни ер билан битта қилади, ўғли олдида бутун тоат-ибодатини йўққа чиқаради. Мана, унинг натижаси: «Бас қилинг!..— Телбадай ўкириб ўрнидан турди Анзират. Унга охирги гапи жуда ўтиб кетган, у дағ-дағ титрар эди. Кўзларидан ёш қуйилиб оқар, лекин артишни хаёлига ҳам келтирмасди.— Бас қилинг, ҳозир чопиб ташлайман!— У печка олдида турган болтага ташланди.— Чопиб ташлайман... жонимдан тўйиб кетдим». Бу парча қиссадаги энг ҳаяжонли ўринлардан биридир.

Асардаги асосий қаҳрамонлар характери талқини фақат кескин ички руҳий бурилиш, «портлаш» ҳолатларидагина кўрсатилмайди, албатта. Ҳаракат ва ҳолат тасвири бошқа бадиий воситаларда ҳам берилади. Бундай ўринларда қаҳрамонлардаги кечинмалар оқими турлича товланиш ва тебранишларда юзага чиқади. Масалан, Нормат полвон ўша машъум воқеадан кейин Бийди момонинг кичик ўғлининг бўшаб қолган уйида туради, қанча вақт кўчага чиқмай ётади. Кейинчалик ов баҳона қишлоқма-қишлоқ кезиб юради, шу йўл билан дардини енгиллатмоқчи бўлади. Табиийки, ҳар хил одамлар билан учрашади, турли миш-мишлар қулоғига чалинади. Эшитганлари орасида дардининг устига дард қўшадиганлари ҳам, уни енгиллатадиган, барбод бўлган ҳаётини қайта тиклашга умид уйғотадиган гаплар ҳам бор эди. Ундаги бундай иккиланиш жараёни Маллабой исмли киши билан учрашгунга қадар давом этади. «Уруш одамлари»да қистирма парча тариқасида киритилган Маллабой ака ҳикояси Нормат полвонга қаттиқ таъсир қилади, ундаги ички кураш жараёнини бир тўхтамга келтиради. Маллабой ака ҳам мураккаб оилавий тақдирга эга. У урушга кетганда хотини тўрт болани боқа олмай қийналиб, бир ҳисобчига турмушга чиқишга мажбур бўлган экан. Жангдан қайтиб келгач, хотинининг бу ишидан қаттиқ ғазабланган, ҳар хил ўйларга борган, лекин болаларини ўйлаб, ҳеч ким кутмаган ишга қўл урган. Ҳисобчиникига бориб хотинини уйига қайтариб олиб келган. Бечора аёл эса ўз гуноҳини кечиролмасдан, адойи тамом бўлиб ўлиб кетган экан. Бу ҳикоя билан у гўё Нормат полвонни юмшатишга уринаётгандек бўлади. «Эртасига Маллабой билан хайрлашмай ҳам тонг қоронғисида чиқиб кетди. Қишлоққа қайтдию, мартнинг адоғигача овга чиқмади. Ўн беш кунлар ўтгандан кейин кечга яқин Бийди момониикига кириб борди. У ҳаммасини ўйлаб, тарозига солиб кўрган ва қатъий қарорга келган эди».

Қиссадаги Анзират образи ҳам мураккаб руҳий ҳолатлар ифодасига бой. У, гарчи эри томонидан қаттиқ калтакланган бўлишига қарамай, Нормат полвон ҳақида бирорта ёмон гап айтмайди. Аниқроғи, у асарнинг журнал нусхасида калтаклангандан сўнг ҳам эри ҳақида фақат яхши гаплар гапиради, номини «Норматжоним» деб тилга олади, унинг олдида ўзини гуноҳкор деб билади. Шу сабабли бу аёлнинг маънавий драмасини муайян нуқтаи назардан қабул қиламиз. Унинг эрига хиёнатини ноғорликдан, ноиложликдан, қолаверса, халқ бошига уруш келтирган беҳудуд азоб-уқубатлар туфайли содир бўлган бир иш, деб биламиз. Гарчи Нормат табиатидаги одам хотинини

www.ziyouz.com kutubxonasi

бундай иш учун ҳеч қачон кечирмаслигини билиб турсак-да, қиссадаги бутун фожиаларга сабабчи бўлиб ўтирган бу аёл нафратдан кўра бошқачароқ — нисбатан юмшоқроқ, илиқроқ муносабатга арзийди, деган фикр хаёлимизда туради.

«Уруш одамлари»нинг китоб шаклида эса бу қаҳрамон талқинидаги ёзувчи муносабати анча ўзгарган, мураккаблашган. Гарчи «Менда нима гуноҳ... ҳамма айб урушда, агар уруш бўлмаганда, эрим ёнимдан жилмаганда мен бундай қилмасдим. Бутун меҳримни эримга, болаларимга берган, ундан баҳра олган, уларнинг қувончини қувонч, севинчини севинч деб билган, мен ҳам бошқалардек эримга содиқ аёл бўлган бўлар эдим», дея қаҳрамоннинг ўйларини, ўз қилмишидан чекаётган изтиробларини берар экан, ёзувчи бизни унинг ҳолатини тушунишга даъват этаётган бўлса-да, Анзиратга муносабатимиз, нуқтаи назаримиз энди анча ўзгаради.

Анзират характери талқинидаги «янгиликлар» фақат шулар билангина чекланмайди. Нобоп ҳиссиётларга эрк бериш, улардан ўзини тия олмаслик кўнгил осмонидаги булутлар тобора кўпайиб қуюқлашиб боришига замин яратади. Бу ҳиссиётлар Нормат урушдан қайтгандан кейин ҳам Анзиратни тарк этмайди. Оқибатда Норматга нисбатан бўлган туйғуларида ўзгариш сезилади. Бир вақтлар ўзи ёқтирадиган эрининг хатти-ҳаракатларини энди бошқачароқ қабул қиладиган бўлиб қолади. Норматнинг сокинлиги, «деярли ҳеч нима бўлмагандай, сезмагандай, у билан дам қайноқ, дам жиддий муомила» қилиши унга ёқмайди. Эрининг болалари билан овуниши, улар эса отасига кўпроқ боғланиб қолаётганлиги ҳам ғашини келтира бошлайди.

«Уруш одамлари»да Нормат полвон ва Анзиратнинг тақдир драмаси фожиа билан тугаши китобхон учун кутилмаган ҳодиса бўлиб туюлмайди. Чунки асар руҳи, воқеаларнинг мантиқий оқимида аввалдан шунга ишора бор. Нормат полвонга ўхшаган кишилар хиёнатни ҳеч қачон кечирмаслигини, кечира олмаслигини китобхон ҳам, ҳатто Анзиратнинг ўзи ҳам яхши ҳис этади. Қиссада Нормат полвоннинг овга қизиқиши, доим ўзи билан бирга милтиқ олиб юриши бежиз эслатилмаган. Ўша милтиқ ниҳоят ўз вазифасини бажаради — Нормат полвон бир пайтлар жонидан ортиқ суядиган Анзиратни ўз қўли билан отади.

Ёзувчи Норматнинг мана шу мураккаб ҳолатдаги энг сўнгги ҳаракатини руҳий жиҳатдан ишонарли, аниқ беришга муваффақ бўлган. Шу дақиқада ногаҳон урушда кўрган бир воқеа — фашистлар кўз олдида хотинини зўрлаб ўлдирган деҳқоннинг жинни бўлиб қолгани эсига тушади. Назарида ҳаётдаги энг ярамас ва энг разил одамлар фашистлар бўлган. Ҳозир рўпарасида турганлар худди ўшаларга ўхшаб кўзига кўриниб кетади. Шунинг учун Нормат полвоннинг кўзи қонга тўлади.

Қиссанинг олдинги — журнал нусхасида бу ҳал қилувчи саҳнада баъзи мавҳумликлар бор эди. Жумладан, Нормат Анзиратни отарди-да, Мирзақулнинг бу ердан қандай чиқиб кетгани, кейинги тақдири номаълумлигича қолган эди. Кейинги нусхада ушбу ҳал қилувчи фожеавий саҳнадаги ҳар бир ҳаракат ва деталга эътибор берилгани, тасвирда мантиқ янада чуқурлаштирилганини кўрамиз. Шу боис энди биринчи ўқ бу фожиянинг асосчиси Мирзақулга йўналтирилади. Муҳими, ёзувчи, бу мусибатнинг келиб чиқишида муҳим роль ўйнаган иккинчи киши — Анзиратга ишининг натижасини кўриш, сўнгги марта ҳам бир бор ҳис қилиши учун имкон беради. «Варанглаб отилган ўқдан Анзират чўчиб тушиб, унга даҳшат аралаш кўзлари қосасидан чиққудек, бақрайиб қаради»,— дейилади у ҳақда. Шундан сўнг хиёнат юкини елкасида, юрагида кўтариб келган, энди эса унга якун ясаётган Норматнинг ҳолатига яна диққатимиз кўчади: «Нормат Мирзақулнинг жон талвасасида иҳраб, типирчилашини кузатаркан, кўнглининг бир чеккасида ёввойи хушнудлик уйғонди, милтиқни маҳкам қисганча, кўзлари қизариб, узоқ югуриб, бирдан тўхтаган бўри каби ҳансирар эди, шу туриши рақибини тилка-пора қилиб ташлаган ва яна тилка-пора қилишга тайёр турган ўзининг миллион йиллар олдинги ёввойи авлодларига жуда ўхшар эди. Авзойи ваҳимали тусга кирган, чакка томирлари бўртиб чиққан, оғзининг икки чеккасида сарғиш, қуюқ кўпик кўпираётган эди. Салдан кейин унинг кўзи на милтиқ овозидан уйғониб, юк тахмони орқасида қўрқиб йиғлаётган Холмат билан Ҳожарни, на кўзлари аллақачон сўниб қолган Мирзақулни, на ўзига қўрқув билан ғужанак бўлиб тилиб турган хотинини кўрарди. У аллақачон ўзини урушдаман деб ҳисоблар ва фақат қандай отишнигина ўйлар, бутун вужуди қалт-қалт титрай бошлаган эди. У хотинига қўзичоқни кўрган оч бўридек йиртқич назар билан қаради-да, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Тўхтаб-тўхтаб узоқ кулди. Унинг бу кулгиси соғлом одамнинг кулгиси эмас эди, ваҳшиёна йиртқичнинг бўкиришига ўхшар эди. Салдан кейин қишлоқ сукунатини бузиб иккинчи ўқ отилди».

Бу парчадаги қаҳрамонларнинг ҳар бир ҳаракат ва ҳолати ғоят табиий чиққан. Бу эса қиссадаги тасвирнинг анча изчиллигидан, ички мантиқнинг мустаҳкамлигидан далолат беради. Нормат томонидан узилган ўқ бу аччиқ фожиага қўйилган сўнгги шафқатсиз нуқта эди. Бу ўқ Мирзақул ва Анзиратгагина эмас, айни чоғда Норматнинг ўзига ҳам, у бошлиқ бутун хонадонга, оилага қарата отилган ўқ эди. Фронтдан жуда олисларда — Терсотар қишлоғида отилган бу ўқ овози халқимиз бошига шунча ғам-мусибат келтираётган узоқ-узоқлардаги душман ўқлари овозига қўшилиб кетгандек, унинг акс-садосидек бўлиб туюлади. Икки кишининг ўлими билан тугаган бутун бошли фожиага Нормат эмас, халқимиз бошига тушган мусибат, аламзадалик, айрилиқ солган, Мирзақулга ўхшаган тубан шахсларнинг бу шароитдан фойдаланишига имкон берган, Анзират сингари аёлларни айрилиқ синовларига рўпара қилган, шу аҳволга туширган ўша машъум уруш, уни бошлаганлар сабабчи, деган фикр қайта-қайта хаёлимиздан ўтади.

«Уруш одамлари» қиссасида ўз драматизми, ички руҳий талқинининг мантиқийлиги билан ажралиб турадиган қиёфаси зиддиятли бошқа қаҳрамонларга ҳам дуч келамиз. Шулардан бири — Бийди момо образидир. Китобда мазкур образга оид тафсилотлар анча кенгайтирилган ва чуқурлаштирилган. Бу яхши. Лекин шу жараёнда қаҳрамон нутқи жуда бепарда қилиб юборилгани, унинг лексикаси ҳар хил шаллақи сўзлар билан тўлиб кетгани ҳақида ижобий сўз айтиш қийин.

Қаҳрамонлар талқинидаги зиддиятлар, қиссадаги фожианинг бош сабабчиси Мирзақул образида ҳам учрайди. Аввало, унинг лавозими нотайин — қишлоқ Совети раисими ёки колхоз раисими, ажратиш қийин. Шу ноаниқлик кейинги нусхада ҳам сақланиб қолган. Лекин китобда Мирзақул образи талқинига доир айрим ўзгаришлар ўринли чиққанини таъкидлаб ўтишга тўғри келади.

Сойим Исҳоқовнинг «Янга» қиссаси ҳам уруш даври ҳаётига бағишланган. Унда энг яқин кишиларини жангга жўнатган юртдошларимизнинг меҳнати, иродаси, вафо-садоқати ҳақида сўз кетади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қисса воқеалари ёш қаҳрамон (номи асарда айтилмайди ҳам) тилидан ҳикоя қилинади. Шу жиҳатдан Н. Қобулнинг «Буғдой пишиғига етмаганлар» қиссаси билан ҳамоҳанг ўринлари анчагина.

Ҳожархон — асарнинг бош қаҳрамони. Қисса номида ҳам бунга ишора бор. Ёзувчи бу образ тимсолида уруш йилларида намоён бўлган ўзбек аёлларига хос бўлган бир қатор хислатларни бадиий ифодалашга ҳаракат қилади. Унинг меҳнатдаги матонати, жангга кетган умр йўлдоши Тугални кутиш ҳолатлари, оғир синов йилларида ўзини тутиши, шаънига гард юқтирмаслиги, юрагидаги унсиз дарду фарёдлари — булар китобхонда анча илиқ таассурот қолдиради. Бу образ ҳам ўз моҳият эътибори билан фожиага тўла. Тугал билан бор-йўғи уч ойгина турмуш қурган. Уруш уларнинг ҳаётини энг ширин, энг лаззатли дамларида бир-биридан ажратади. Оғир кунларда умр йўлдошини бардош билан кутади. «Қорахат» келгач, бунга ишонмайди, яна кутишда давом этади. Тугалнинг қайтмаслиги аниқ бўлгач, унга ўз отасининг уйига кетишга розилик ҳам беришади. Лекин бу таклифни у рад қилади. Тугалнинг отаси — Ўрол бобо вафот этиб, қайниси уйли-жойли бўлгандан кейингина Ҳожархон отаси уйига қайтади. Бир умр эрининг тириклигига ишониб яшаш ҳар қандай аёлнинг қўлидан келадиган иш эмас.

Қиссадаги бош қаҳрамон тақдирига дахлдор воқеалар мантиқи яна бир ҳолатни эътиборда тутишни талаб қиларди. Ҳожархоннинг бунчалик садоқат кўрсатишида яна нимадир, яъни оддий эр-хотинлик муносабатларидан, миллий одат ва қарашларга боғлиқ жиҳатлардан ташқари янада азизроқ, эъзозлироқ, бировлар билавермайдиган туйғулар ҳам бўлиши мумкин. Лекин қиссада ёзувчи ана шу муҳим маънавий-руҳий нуқтага аҳамият бермасдан ўтиб кетади.

Шу ўринда машҳур туркман киночиси Х. Норлиевнинг «Келин» деб номланган фильми ёдга келади. Ҳожархон билан бу кинофильм қаҳрамони ўртасида яқинлик бор. У ҳам умр йўлдошини урушга кузатган. Кўзлари унинг йўлига интизор. Кинофильмда қаҳрамон деярли гапирмайди ҳам. Лекин унинг ҳаракатларидан, юриш-туришидан бутун дарду алами шундоққина билиниб туради.

«Келин» кинофильми ҳақиқий санъат асари даражасига кўтарилган. Режиссёр ҳам, актёр ҳам кино санъати воситалари билан инсондаги мураккаб ички ҳолатни очишда маҳоратларини намойиш этишган эди. Натижада одамни ўйлантирадиган, ҳаяжонлантирадиган санъат асари юзага келгани маълум. Шундай экан, қиссадаги образларнинг мукаммал бўлишини талаб қилишга ҳақлимиз. Ёзувчининг ўзи ҳам масъулиятни сезади, албатта. Шунинг учун қаҳрамонига бир қатор яхши ишлар қилдириб, характерига хос сифатларни очмоқчи бўлади. Масалан, бир неча марта уни қайноқ меҳнат жараёнида кўрамиз. Бир ўринда, ҳатто Назир чўлоқ деган бир ярамаснинг ёмон ниятини сезгач, уни отдан ағдариб роса савалайди. Ҳожархон ўз қадрини биладиган, ғаламис одамлардан керак бўлса ўзини ҳимоя қилишга қодир, садоқати бутун аёл сифатида кўринади. Аниқроғи, мазкур образ ана шундай ҳаётий асосга, ички мантиққа эга бўлиши лозимлиги равшан. Шунинг учун ҳам унинг баъзи қилиқлари бироз ғалатироқ туюлади. Масалан, Назир чўлоқ Қурман тентакникидан ғалла олиб келаётганида у ажина қиёфасида йўлга чиқиб, уни қўрқитади. Бу ишни болалар билан бирга амалга оширишга уринадики, бу воқеа қаҳрамоннинг характери мантиғига зид туюлади. Ёзувчи буни ўзича, шу йўл билан ўғрини, муттаҳамни жазолаш, деб талқин қилмоқчи бўлади. Ҳожархоннинг қисса охирига бориб бирданига безовта бўлиб қолиши, кечаси уйдан чиқиб кетиши ҳам асосланмаганга, муҳимроқ гапни, мазмунни очишга хизмат қилмаётганга ўхшайди. Бу воқеалар, эҳтимол, ўзича қизиқарли бўлиши мумкин. Лекин у воқеалар тизмасидаги бирор жиҳатни ёки қиррани тўлдириши, янги босқичга олиб чиқиши лозим-ку, ахир. Маълум бўлишича, Ҳожар Тугални урушга кузатган йўлга чиқиб узоқ-узоқларга тикилиб ўтирар экан. Айтиш керакки, бу қаҳрамон руҳий вазиятини очишга хизмат қилиши мумкин бўлган муҳим ҳолат. Лекин қиссада у жуда оддий, жўн бир манзарага айланиб қолган.

Асарда одамлар ўртасидаги муносабатлар, тўқнашувлар зарур босқичга кўтарилмай қолган ўринлар анчагина учрайди. Тўғри, Назир чўлоқ Ҳожардан нотўғри ҳаракати учун яхшигина калтак ейди. Ўғирланган буғдой халққа қайтарилади. Асарнинг охирида Назир чўлоқ билан Қурман тентак қишлоқдан бир кечада ғойиб бўлишади. Лекин булар ҳаётдаги муносабатлар, курашларнинг бевосита тасвири эмас. Улар кўпроқ ўша курашлар натижасини эслатади. Бадиий асарда эса қайноқ жараёнларнинг ўзи кўрсатилиши, тадқиқ этилиши талаб этилади. Ибратли, сабоқ бўладиган жиҳатлар эса шундай ўринларда мужассамлашган бўлади.

Қиссани ўқиганда яна бир таассурот туғилади. Ҳаётда ёмон одамлар борлиги исботсиз ҳақиқат. Лекин асарда шуларга қарши турадиган кучлар мавжудлиги ҳамма ўринларда ҳам сезилиб турмайди.

Энди ҳикоячи қаҳрамон ҳақида икки оғиз сўз. Ёзувчи воқеаларни ёш бола нигоҳи орқали тасвирлар экан, бунда меъёрни, чегарани унутмаслиги, унинг тасаввур, фикрлари даражасини сунъий равишда ошириб юбормаслиги лозим. «Янга» қиссасининг талай ўринларида бунга яхши эътибор берилмаган. Масалан, бир жойда ҳикоячи ўзининг узоқ ўтмиши ҳақида гапираётгандек бўлади. Табиийки, бунда бола — ўсмир нигоҳи йўқолиб, ўрнини катта одамнинг таассуротлари эгаллайди. Бошқа жойда эса гўдак айнан ўша кунлардан туриб ҳикоя қила бошлайди. Бу саҳифаларда тасвирда шунга мос соддалаштириш сезилади. Ҳар ҳолда ёзувчи муайян тасвир мезонини белгилаб олиб, бутун асар давомида шуни сақлашга интилиши маъқул. Қолаверса, мазкур асарда ёзувчи мана шу образга хос жиҳатларни ҳам чуқурроқ очиши керак эди. У уруш бошланган пайтларда ўн ёшлар атрофида бўлган. Бу — қаҳрамонлардан бирининг таъбирича, жудаям кичик ёш эмас. Бундан ташқари шароитга қараб ундаги тушунчалар ҳам ўзгариб бориши керак-ку! Негадир мана шу ўзгаришлар асарда унчалик сезилмайди. Бола асар бошида қандай бўлса, охирида ҳам деярли шу соддалигича қолади. Кўп гапларнинг тагига ета олмайди. Ваҳоланки, охирги саҳифаларда урушнинг сўнгги йили, ғалаба ҳақида гап боради. Бир-икки марта ғалла янчишда ёрдам берганлиги, икки марта ўз товуғини ўғирлаганлиги, бир марта ўртоғи Бадал ва янгаси билан Назир чўлоқни ажина-жинлар қиёфасига кириб қўрқитиб, буғдойни олганлиги демаса, боланинг бошқа дунёқараши, тилга олиш мумкин бўлган ишлари йўқ қисоби. Ахир унинг ҳам ўзига яраша дарду аламлари бор-ку! Унинг онаси вафот этган, отаси фронтга кетган. Наҳотки у онасини эслямаса, отасини соғинмаса?.. Ҳатто отаси урушдан қайтмағандан кейин ҳам ҳеч нарсани ўйламайди. Бундай бўлишига одамнинг ишониши қийин.

Қиссанинг бошқа жиҳатларига ҳам эътибор берайлик. Ундаги бир қатор образлар ёзув[illegible]

www.ziyouz.com kutubxonasi

кенг майдон яратиши мумкин. Масалан, Ўрол чол, яъни ҳикоячи боланинг бобоси. Баъзи ўринда чол характерига хос чизиқлар берилади. Лекин бу нарса маълум мақсадга бўйсунмагани учун эсда қолмайди ҳам. Кўп ҳолларда эса чол тамоман унутилади, иштирок этиши лозим бўлган воқеалар ичида кўринмайди. Умуман, бундай камчилик қиссада кўп кўзга ташланади. Асар саҳифаларида тўсатдан айрим қаҳрамонлар пайдо бўлиб қолади. Масалан, Тоҳир ака, бобонинг укаси бўлмиш меҳрибон «амаки» каби. Баъзилари эса сабабсиз ёзувчи томонидан бутунлай унутилади. Масалан, Ҳожарнинг отаси Усмон акани олайлик. Ёки қиссага Майрам чўтир нима учун киритилганини тушуниш қийин. У бир марта товуқлар безовта бўлганини айтади, яна бир гал қоп сўраш учун Ўрол бобоникига чиқади. Шу билан тамом. Эҳтимол, бадиий асарда ҳамма образларга ҳам батафсил ўрин ажратиш қийиндир. Лекин муайян асарни яхлит бир иморат деб тасаввур этсак, ундаги ҳар бир қаҳрамон — қайси даражада бўлишидан қатъий назар — шу иморатнинг барпо этишга ҳисса қўшиши лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда, «Янга» қиссасида асарнинг умумий қурилишига бирорта ҳам ғишт қўймасдан кетган қаҳрамонлар учраб туради. Буни фазилат дейиш қийин, албатта.

Биз уч ёзувчи мисолида уруш давридаги ҳаёт ҳозирги насримизда қай даражада тасвирланаётганлиги хусусида сўз юритишга ҳаракат қилдик. Бу асарларнинг муаллифлари, гарчи ёшлари бир-биридан фарқ қилсада, уруш йилларини фақат эшитганлари ва ўқиганлари бўйича билишади. Шу жиҳат — соф тасаввур орқали бадиий асар яратиш, уларни маълум даражада бирлаштириб туради. Бундай яқинликни улар қаламга олган мавзуларда ҳам, образлар қурилмасида ҳам, тўқнашувларда ҳам кузатиш мумкин. Ҳатто улар қўллаётган адабий усулларда ҳам ўхшаш нуқталар кўзга ташланиб қолади. Шунга асосланиб қуйидаги мулоҳазаларни айтиш мумкин. Биринчидан, бу носирлар замоннинг бугунги талабларини чуқур тушунган, ҳис этган ҳолда ижод қилишга интилмоқдалар. Асарларида ўша давр ҳаётига оид тасвир оҳангини яратишга, воқеалар ва характерларнинг янги қирраларини талқин қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Шу жиҳатдан ўзбек ҳарбий насрини маълум даражада бойитишмоқда ҳам. Иккинчи томонда эса, уруш даври ҳаётига тааллуқли материалларга мурожаат қилишда қандайдир чекланганликка ўхшаш хусусият ҳам сезилмоқда. Ўша давр ҳаётини, одамлар тақдирини кўрсатиш бўйича олиб борилаётган изланишлар нисбатан торроқ доира ичида қолиб кетмоқда. Тасвир объектига етарлича янги нуқталардан, кутилмаган томонлардан ёндашиш у қадар кўзга ташланмаяпти. Оқибатда такрорийлик келиб чиқаётганга ўхшайди. Масалан, юқорида кўрилган икки асарда — «Буғдой пишиғига етмаганлар» ва «Янга»да деярли бир-бирига ўхшаш адабий воситаларга дуч келамиз, яъни воқеалар ўн яшар бола нигоҳи орқали кўрсатилади. Шундай усул «Уруш одамлари»да ҳам учрайди. Бу ўринда Холмат образи билан боғлиқ баъзи тафсилотларни назарда тутяпмиз. Шунингдек, айрим қаҳрамонлар талқинида ҳам ўхшаш нуқталар сезилиб туради. Чунончи, эрларини урушга кузатган аёлларга, албатта кимдир бузуқ ният билан шилқимлик қилади ёки бўлмаса уни бадном этади. Албатта, ўша пайтларда бундай воқеалар кўп бўлган. Ҳатто ғаламис, фикри бузуқ кимсалар бу борада анча эркин ҳаракат қилишган, кўнгилларига келган номаъқулчиликларни бемалол амалга оширишган. Чунки ўша пайтлардаги шароит — ҳамма уруш ташвиши билан банд бўлиб, ўз шахсий ғам-кулфатларига ўралашиб қолгани, турмушнинг ниҳоятда оғирлашгани каби қатор жиҳатлар бунга маълум даражада имкон ҳам берган. Уруш даври ҳаётига бағишланган ўзбек адабиётидаги йирик асарларнинг аксари қисмида шу масалага анча кенг эътибор берилгани маълум. Эҳтимол шундандир, бу борада қайтариқлар кўпайиб кетяпти, бир-бирига ўхшаш детал ва тафсилотлар тез-тез учраб қоляпти. Айниқса, шундай иллат кўп умидлар ваъда қилаётган ёшлар насрида ҳам учраб қолаётгани маълум даражада хавотирланишга асос беради.

---

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

ШЕЪРИЯТ 2
Хуршид Даврон. Ватан ҳақида етти ривоят. Достон. 43
Тўра Сулаймон. Эргаш Жуманбулбул ўғли эл кезади 68
Абдулҳай Носиров. Тонглари оқариб пешонасида 129
Тилак Жўра. Қўлларимда бир тутам майса 9

НАСР 50
Жонрид Абдуллахонов. Суиқасд. Роман 71
Исажон Султонов. Муножот. Қисса 49
Тоҳир Малик. Сўнгги ўқ. Қисса 132

АСР САДОЛАРИ
Баёний. Ғазаллар 139

МУШОИРА
Ғазалларни сенга атадим 147

ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР
Юнусали Султонов, Аҳмаджон Исоқов. Жароҳат 151

НАВОИЙХОНЛИК
Абдурашид Абдуғафуров. Фиғонимдин фалак ғамгин 155

МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА, МУНОЗАРА
Эргашали Шодиев. «Юсуф ва Зулайҳо»ни ким ёзган? 167

ҚУРЪОН 171

АКС-САДО
Қуръон нашри — тарихий ҳодиса 174

ЖУРНАЛХОН ТАКЛИФ ҚИЛГАН МАВЗУ
Муҳсин Зокиров. Тасаввуф таълимоти ҳақида 182

АДАБИЙ ТАНҚИД
Умрзоқ Ўлжабоев. Умидбахш тўлқинлар 200

МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ
Абдулла Авлоний. Афғон саёҳати 202

ТАҚРИЗЛАР 205
Раҳматулла Баракаев. Мушоҳада 206
Тўлқинжон Раҳимов. Комиллик рамзи
Тўйқозон Туркистонда

ГУЛҚАЙЧИ
Ўринбой Норматов. Ашула ва география

www.ziyouz.com kutubxonasi